

1. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Бадрий ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қавмга Аллоҳнинг Китобини энг яхши ўқийдигани, қироатда баравар бўлишса, суннатни энг яхши билгани, суннатда баравар бўлишса, аввалроқ ҳижрат қилгани, ҳижратда ҳам баравар бўлишса, ёши катта бўлгани имом бўлади. Киши кишига унинг қўл остидаги жойда имом бўлмасин, уйда унинг изнисиз хос жойига ўтирмасин».**

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида «**ёши каттаси**», деган сўзнинг ўрнига «**аввалроқ Исломга киргани**» бўлиб келган.

Бошқа бир ривоятда: «**Қавмга Аллоҳнинг Китобини энг яхши ўқийдигани, қироатда пешқадами, қироатлари баравар бўлса, аввалроқ ҳижрат қилгани, ҳижратда ҳам баравар бўлишса, ёши каттаси имом бўлади**», дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI